



Фарғона ҳақиқати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Гўзал ва ёқимли,
яна дил билан
бир бўлган тил
яхшироқдир.
Алишер НАВОИЙ.

Сайтимизга ўтиш учун
QR кодни телефонингиз
орқали сканер қилинг

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган

@ farhaqiqat.uz

@farhaqiqati

2020 йил 21 октябрь, чоршанба № 82 (24471)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛИГА КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожига алоҳида ўрин тутди. Улуғ шоир ўзининг шеърӣ ва насрий асарларида юксак умминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, ер юзидagi миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустақкам ўрин эгаллади.

Сўнгги йилларда Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижодий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг ўлмас асарларини юртимизда ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, шоир туғилган кутлуг 9 февраль санасини ҳар йили адабиёт ва маърифат байрами сифатида юксак даражада нишонлаш аънанаси қарор топди. Улуғ сўз санъаткорининг асарлари мунтазам нашр этилиб, навоийшунослик соҳасида қўлпаб тадқиқотлар олиб борилмоқда, республика ва халқаро миқёсда илмий анжуманлар ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилгани, мамлакатимиз ҳамда бир қатор хорижий давлатларда ҳайкаллари ўрнатилгани, асарлар тўплами тўлиқ нашрдан чиқарилгани, пойтахтимиз марказидаги улуғ бобомизнинг музасам мейморий ёдгорлигига муносиб равишда Адилбек хиёбони барпо этилгани маданий ҳаётимиздаги улкан воқеаларга айланди.

Жонажон Ватанимиз "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" деган буюк тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Ўйғониш даври — Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиб бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида Ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Алишер Навоий асарларида теран ифода топган миллий ва умминсоний ғояларнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрнини ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар қалбига юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашдаги беқиёс аҳамиятини назарда тутиб, шунинг-

дек, улуғ шоир ва мутафаккирнинг адабий-илмий меросини мамлакатимизда ва халқаро миқёсда янада чуқур тадқиқ қилиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида:

1. Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда кенг жамоатчилик вакилларининг 2021 йилда буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар: Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) таркиби 1-иловага мувофиқ;

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури (кейинги ўринларда — чора-тадбирлар дастури) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмитага Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирларни юксак савияда ташкил этиш, мазкур қарор ва чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин;

Алишер Навоийнинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшган мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқароларини ҳамда илмий-ижодий муассасаларини тақдирлаш мақсадида Алишер Навоий орденини таъсис этиш юзасидан таклиф киритсин;

Афғонистон Ислмо Республикасининг Ҳирот шаҳридаги Алишер Навоийнинг мақбараси мажмуасида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш имкониятларини ўрганиб чиқсин ва натижаси бўйича таклиф киритсин.

Халқ депутатлари вилоят Кенгагининг сессияси ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ҚИММАТЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ



Халқ депутатлари вилоят Кенгагининг ўн тўққизинчи сессиясида Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 16 октябрь кунини ўтказилган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини сақлаш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йўналишида белгилаб берилган муҳим вазифалар муҳокама этилди.

Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда республика, вилоят оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Сессияда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ва сектор раҳбарлари ўз хулуфиди яратилган тизим, бозордаги шарт-шароитлар ва нарх-наво бўйича ҳисобот берди.

— Мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш жамиятнинг иқтисодий ривожлантириш, фуқароларнинг соғлиги, турмуш сифатини яхшилаш, миллий хавфсизлиги ва мамлакат мустақиллигини сақлашнинг асосий йўналишларидан бирига айланди, — дейди вилоят раҳбари. — Аиниқса, бутун дунёда давом этаётган коронавирус пандемияси ша-

роитида бу соҳани ривожлантириш ҳар бир раҳбар олдида турган энг муҳим ва долзарб вазифа ҳисобланмоқда. Мазкур йўналишда Фарғона вилоятда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бозорларда нарх-навонинг барқарорлигини сақлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича мақсадли ҳамда изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, вилоятда 2018-2020 йилларда тижорат банклари томонидан чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш мақсадида қарийб 2 триллион сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида биргина чорвачилик соҳасида вилоятимизга хориждан 6,7 миң бош йиррик шоҳли ва

12,2 миң бош майда шоҳли чорва моллари олиб келиниб, аҳолининг мол, қўй гўшти ва сут маҳсулотларига бўлган талаби тўлиқ қондирилишига эришилди.

Мамлакатимизда яратилган қўлай шарт-шароитлар натижасида жорий йилнинг 9 ойи якуни билан вилоят бўйича 123,1 миң тонна гўшт, 739,7 миң тонна сут, 239,9 миң тонна картошка, 790,4 миң тонна сабзавот, 47,8 миң тонна полиз, 290,0 миң тонна мева, 407 млн. донна тухум ишлаб чиқарилиб, аҳоли дастурхонига етказиб берилди. Бу маҳсулотларни етиштириш ҳажмлари бўйича аввалги йилларга нисбатан барқарор ўсиш суръатлари таъминланди.

Бирок, ҳудудларда "даладан-истемолчиғана" тамойили асосида етарли ишлар ташкил этилмаганлиги, даврий равишда аниқлаб турадиган озиқ-овқат захирасини яратишга эътибор қаратилмаганлиги бозорлардаги нарх-наво ошиб кетишига олиб келган.

Масалан, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида сут маҳсулотлари 16,0 фоизга, картошка 13,7 фоизга, гўшт маҳсулотлари 11,4 фоизга, ём-ой маҳсулотлари 10,2 фоиз-

га, шакар, чой ва зирavorлар нархи 5,4 фоизга ўсганлиги кузатилади.

Вилоят аҳолиси учун жорий йилнинг ноябрь ойдан 2021 йилнинг май ойига қадар бўлган даврда 81,6 миң тонна картошка, 37,7 миң тонна пиёз, 29,0 миң тонна сабзи, 18,5 миң тонна гуруч, 132,8 миң тонна ун маҳсулотлари, 35,7 миң тонна мол ва қўй гўшти, 35,3 миң тонна парранда гўшти, 20,8 миң тонна шакар, 17,2 миң тонна ўсимлик ёғи, 18,3 миң тонна балик, 393,3 миллион донна тухум талаб этилади.

Вилоят аҳолисини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан қаноатли таъминлаш, ички истеъмол бозорига маҳсулот етказиб берилишини тизимли ташкил этиш орқали нарх-наво барқарорлигини сақлаш муҳим вазифалардан биридир. Бу борада маҳаллий ҳокимликлар, сектор раҳбарларидан катта масъулият талаб қилинади.

Шаҳар ва туманлар кесимида аҳоли эҳтиёжи учун 2020 йил ноябрь ойдан 2021 йил май ойигача бўлган даврда талаб этиладиган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари захираси яратилди. Аҳолини мол ва парранда гўшти,

тухум ва балиқ маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш мақсадида "Экобозор"лар ташкил этилмоқда. Тадбиркорларга тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун кредитлар ажратилиб, бозорлардаги нарх-наво кунлик назорат қилиш каби қўлпаб ишлар тизимли йўлга қўйилади.

Вилоят прокурори У. Қосимов, вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Ш.Нисбатхонов ҳам ўз ҳисоботларида озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таъминоти ва нарх-навосида муаммолар бўлмағлигини билдирди. Сессияда ана шу масалалар чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларига сектор раҳбарларидан тегишли жавоблар олди.

Қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Сессияда Олий Мажлис Сенатининг фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари М. Парпиев иштирок этди.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.
М. ҚОДИРОВ
олган суратлар.

Янги тиббиёт масканлари иш бошлади

Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмаси таркибидagi шаҳар болалар шифохонаси реконструкция қилиниб, 50 ўриндан иборат уч қаватли даволаш корпуси барпо этилди.

Очилиш маросимида Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров иштирок этди.

Президентимизнинг 2018 йил Фарғона вилоятига қилган таширфлари давомида берилган топшириқ асосида мазкур тиббиёт масканида амалга оширилган реконструкция ҳамда қурилиш ишларига 10 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Натижада бемор болалар учун зарур шартлар яратилиб, янги тиббиёт ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, шаҳар болалар шифохонасига тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун махсус жиҳозланган "Дамас" русумли енгил автомашина совға қилинди.

Бугунги кунда мазкур муассасада 335 нафар шифокорлар, ҳамшира

ва кичик тиббиёт ходимлари шаҳарнинг 92 миң нафардан зиёд 18 ёшгача бўлган фуқароларига хизмат кўрсатмоқда.

— Аҳолига, аиниқса, болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш — бизнинг энг асосий вазифамиз, — деди вилоят раҳбари.

— Мазкур шифохонада болаларни малакали даволашнинг замонавий технологиялар асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратамиз. Шунингдек, бу ерда ёш шифокорларимизга инновацион изланишлар олиб бориш, сифатли муолажаларни ташкил этиш, ривожланган тиббиёт муассасаларида малака ошириш ишларини ҳам йўлга қўйиш аини муддао бўлади.

Фарғона шаҳри марказида хорижий инвестиция иштирокида



ги "Hayat world medical" хусусий тиббиёт маркази ҳам фойдаланишга топирилди.

Мазкур тиббиёт маркази хизмат кўрсатиш тури бўйича водийда ягона бўлиб, "Asia Alliance Bank" томонидан ажратилган 1,2 миллион долларлик кредит маблағи ҳамда 800 миң долларлик Туркия инвестицияси асосида барпо этилди. Натижада 50 та янги иш ўрни яратилиб, даволаш ишлари туркиялик ҳамда қозғонистонлик шифокорлар ҳам жалб этилган.

Ҳар бир инсон учун берилган энг катта неъмат — бу фарзанд. Жамиятда ҳар бир оиланинг фарзандли бўлиши уларнинг бахтиёрлигини мустақкамлайди. Баъзи оилаларда эса тиббиёт нуқтани назаридан айрим муаммолар фарзанд кўришга

тўқсинлик қилади. Қолаверса, бу оилаларнинг ажрашишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Тиббиёт марказида малакали шифокорлар замонавий тиббиётнинг янги методлари асосида ёш оилаларга ушбу муаммоларни бартараф этишга яқиндан ёрдам беради. Бу ҳар бир оила мустақкамлиги, аҳиллиги учун жўда катта восита.

Очилиш маросимида иштирок этган вилоят раҳбари Х.Бозоров эзгу мақсадлар билан ташкил этилган марказ вилоят аҳолиси учун иxtисослаштирилган тиббиёт хизматларидан фойдаланиш имкониятини оширишга хизмат қилишини таъкидлади.

М. МҮМИНОВ.
М. ҚОДИРОВ олган сурат.

Вилоятимизда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда бизнес режаларини амалга оширишга қўмаклашиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

Тадбиркорлар билан очиқ мулоқот

Ишлоқ хўжалиги соҳасида истиқболли лойиҳалар кўп. Хусусан, 2010-2021 йилларда халқаро молия инсти-



туллари лойиҳалари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги тармоқлари ва кичик тадбиркорлиқни ривожлантириш учун 42 миллион доллар йўналтирилди. Шунингдек, мамлакатимиздаги йиррик ишлаб чиқариш

корхоналари янги хизмат турларини ҳам тақлиф этиб, соҳага янги технологияларни татбиқ этипти. Фарғона шаҳридаги "Тадбиркорлар уйи"да вилоят ҳокимлиги ва "Ўзэлтехсанот" уюшмаси билан ҳамкорликда тадбир-

корлар билан очиқ мулоқот ташкил этилди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Убайдуллаев "Тадбиркорлар уйи" бўйича маълумот бериб, уларга қўмакчи эканлигини таъкидлади. "Ўзэлтехсанот" уюшмаси томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тақдимоти ўтказилди. Хусусан, "Технопарк" масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқарилаётган музлаткичли омборхоналар тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотди.

Ўз мухбиримиз.

Кун мавзуси

2 та ҳудудда “Ёшлар дафтари” ҳамда “Аёллар дафтари” шакллантирилмоқда

Фарғона вилоятида 43 мингдан ортиқ ёрдамга муҳтож ва камбағал оилалардаги ишсизларнинг бандлигини таъминлаш ва манзилли қўллаб-қувватлаш борасида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Темир дафтарга киритилган оилаларнинг 13 минг 661 таси маҳаллий кенгашларнинг қарорлари билан камбағаллик даражасидан чиқарилди. 59 мингта ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кўп фарзандли оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз қариялар, ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган шахсларга истеъмол товар маҳсулотлари, дори воситалари ҳамда нақд пуллар сектор аъзолари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари томонидан етказиб берилди. 35 минг 830 та оилаларнинг 142 минг 620 нафар аъзоларига 31 миллиард 376 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам маблағлари тарқатилди.



“Аёллар дафтари” шакллантирилган бўлди. Айти кунларда вилоятда Марғилон шаҳри ва Бешариқ тумани танаб олиниб, тажриба сифатида бир қатор ишлар бошлаб юборилди. Фарғона шаҳрида “Ёш-

лар дафтари” ва “Аёллар дафтари”ни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжуманида жараён хусусида маълумотлар берилди. Вилоят ҳокими ўринбосари Файзулло Қосимов, Ёшлар

ишлари агентлиги марказий аппарати бўлим бошлиғи Абдулазиз Мўминов, “Маҳалла ва оила” илмий тадқиқот институтининг ходими Гулноза Мардиева ва бошқалар янги ташкил этилаётган ёшлар ва аёллар дафтарлари касб-

хуна ўргатиш, бандликни таъминлашда манзилли ёндашуви кучайтиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Ҳозирда ишчи гуруҳлар томонидан Марғилон шаҳри ва Бешариқ туманида ёшлар ва хотин-қизлар бўйича дафтарларнинг рўйхатларини шакллантиришда хатлов ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирга қадар 7 мингдан ортиқ ёшлар ва аёллар рўйхатга олиниб, электрон базага киритилмоқда. — Пандемия даврида “Темир дафтар” эҳтиёманд оилаларни манзилли қўллаб-қувватлашда катта самара берди, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари Ф.Қосимов. — Эндликда бу эзгу сазй-ҳаракатларнинг қамрови янада кенгайиб, ишсиз ёшлар ва аёлларнинг турмуш шароити ўрганиб чиқилмоқда. Дафтарлар шакллантирилганидан сўнг уларнинг бандлигини таъминлаш, касб-хуна ўргатишга эътибор қаратилади. Масалан, Марғилонда хунаранчилик орқали қўллаб иш ўринлари яратиш ҳамда даромад манбаини топиш мумкин.

Матбуот анжуманида ОАВ вакиллари кизиктирган саволларга жавоб берилди. **У.А. М.ҚОДИРОВ олган сурат.**



Даромад юз миллион сўмдан ошди

Жорий этилган бўлган усул ўз самарасини берди. Аввало, экин майдонлари мелиоратив ҳолати яхшиланди, ҳосилдорлик ўн беш центнерга ошди. Шу кунга қадар қабул пунктларига 120 тоннадан ортиқ қимматбаҳо сановат хом ашёси етказиб берилди. Хар гектар ердан олинган ҳосилдорлик 30 центнердан ошди. Уртақизилтепа массивида пахта етиштириш ўзига хос агротехникани талаб қилади. Худудда сув тақчил, қолаверса, қумоқ ерларни оддий усулда сўғориш учун катта миқдорда сув, ортиқча

иш куни керак. Янги технология оворасгарчилик ва харажатлар миқдорини тежаш имкониятини берди. — Жорий мавсумда 36 гектар пахта майдонида томчилатиб сўғориш технологияларидан фойдаландик, — дейди иш юритувчи Олимжон Сотволдиев. — Келаси мавсумда 90 гектардан ортиқ майдонда томчилатиб, ёмғирлатиб сўғориш борасида иш олиб бораёмиз. Бу нафақат сув, балки озиклантириш, ниҳоллар тагини юмшатиш билан боғлиқ харажатларни иқтисод қилишда қўл келади. **Р. КАМолов. Ш. ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**



Муносабат ГАЗЕТА ЎЛМАЙДИ, ГАЗЕТА ЯШАЙДИ, ЗАМОНДОШ!

Газета саҳифаларига кўз нуруни тўкиб, ҳар сўзга жигарининг суви билан жон киритаётган, журналистиканинг ҳалол-у пок нонини еб, аллақачон жонининг бўлағига айланган газетасининг танг аҳволидан оғриниб келаётган устозларининг, зўрма-зўраки “яшаш”га ўтган тахририят ичида худди боласини ташлаб кетолмаётган онадай безовта ижодкор оналарим, оталарининг кўнгли ёришиди.

Не бахтки, миллат тарбиячиларининг байрамига бағишланган кутлуг кун оммавий ахборот воситалари, айниқса, босма нашрларга том маънода, яшаш, юксалиш умидини берди. Давлатимиз раҳбарининг матбуот тақдирини ўқиб қайғуриб айтган сўзлари журналистларнинг айтилиши билан дилидаги гап бўлди. Мухтарам Президентимизнинг “Афсуски, биз кейинги йилларда “мажбурий обуна” баҳонасида икхтерий обунани ҳам йўқ қилдик. Бунинг натижасида мактаб ва олийгоҳларнинг ўқитувчи ва доимлари ўзлари учун зарур бўлган газета ва журналлардан ажралиб қолди. Шундай аянчли ҳолга келдикки, ҳатто айрим раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанганидан бўлдилар. Ўзингиз биласиз, дунёда компьютер технологиялари энг ривожланган давлатлардан бири бу — Япониядир. Лекин ушбу мамлакатда кунига 3-4 миллион нуҳсада нашр этиладиган газеталар борлигига нима дейсиз? Айтмоқчиманки, ҳаётимизда радио-телевидение, Интернет билан бирга босма нашрларнинг ҳам ўз ўрни бор”, деган сўзлари матбуот шахсан давлат раҳбарининг эътиборида эканлигини англатади, азизлар. Энди раҳбарлар газета ўқимаслиги билан мақтанши тўғу, унинг обунасига тўқинлигини ҳам бас қилади. Қолаверса, қайси соҳада меҳнат қилмасин, ҳар бир раҳбар-мухтаассис ҳеч бўлмаганда ўзи яшаб турган вилоятдаги жараёнларнинг газета саҳифасидаги аксини кўриш, ишда орқанда қўлиб кетмаслик, юксалиш учун ҳам давлат нашрларига обуна бўлади.

Газетхонлик, матбуот билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиш борасида олдинги ўринларда туради, деб бемалол айта олам. Бунинг сабаби, аввало, олий ўқув юрти чинакам маърифат ўчоғи, маънавият тарбиячиси. Бунда меҳнат қилаётган ҳар бир зиёли босма нашрларни нафақат мунтазам кузатиб бориши, балки давлатимиз раҳбарининг тарихий чиқишлари, илм-фан соҳасидаги янги изланишлар, муҳим саналар, умуман, юртимиздаги илмий-ахлоқий жараённи ҳақиқатга ўз мулоҳазаси ва муносабатини газета минбаридан туриб халққа етказиши кераклигини яхши англашди. Энг ривожланган мамлакатлар катта-кичик раҳбарларнинг ҳар иш куни газета муролаасидан бошланши ҳақида мулоҳаза қилсак, дунёда эришилмаётган муваффақиятларнинг асосий калитини топган бўламиз. Зотан, матбуот билан мақсадларимиз муштарак. Президентимиз таъкидлаганидек, ОАВ билан доимий алоқа ўрнатмасликка, газета ва журналлардан узилишга асло ҳаққимиз йўқ.

Ҳа, энди аввалгидай газета ўқиш ва муролаа қилишдан чекиншининг, асли нондай азиз бўлган газета саҳифаларига бепишанд кўз югуртиришининг, айниқса, “бизни мажбурий обунанга ундашяпти” деб айюҳаннос солишининг ҳожати йўқ. Чунки, газета ва китоб ўқимаган одамлар фикрлашдан тўхтайдилар, тафаккури оқсоқ қилишдан эса на давлат, на жамиятга ва на оилага манфаат йўқ. Ташкилот, корхона ва муассасалардаги газета муролааси жиддий масала, энди бу борада улар танабидиган йўл аниқ: газета ўқилади, матбуотнинг бардавом бўлишига энди улар ҳам масъул. Бироқ шу билан бирга оилалардаги газетхонлик муҳитининг йўқолиб бораётганини ҳам жимгина кузатяёмиз. Оилаларимизга газета кириб келмаётганига анча бўлди. Уйига газета кириб кел-

Жараён Шўрсувда гипс заводи ишга тушди

Ўзбекистон туманидаги Шўрсув саноат шаҳарчаси ҳудуди фойдали қазилма бойлиқларига кон. Бу заминдаги оқаж, гипс тошлар, темир таркибли оҳра тупроқлар табиатнинг ноёб инъомидир.

Тумандаги “PFC Turon” масъулияти чекланган жамияти қошида гипс ишлаб чиқариш заводи иш бошлади. Янги линиянинг очилиш маросимида кенг жамоатчилик вакиллари, корхона ташқисчилари, ишчи-ҳодимлари ва бошқа тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этди. Этти ой мuddатда қуриб битка-

зилган заводда бир кеча-кундузда 500 тонна сифатли гипс маҳсулоти тайёрланади. — Маҳсулотларимиз ички бозор билан бирга, асосан экспортга мулжалланган. Қўшни Қозғистон ва Қирғизистон давлатлари билан савдо шартномаларимиз мавжуд, — дейди корхона раҳбари Орифшон Тўхтабоев. — Иш 3 сменада ташкил этилиб, ишчи-ҳодимларимизга барна қулайлик ва

шароитлар яратилган. Хитой Халқ Республикасида олиб келинган замонавий линейлар билан жиҳозланган корхонанинг ишга тушиши муносабати билан 135 та янги иш ўрни яратилган бўлиб, улардан 35 нафари коллеж битирувчилари.

Дилшода ЭРГАШЕВА.



Пенсия тизими КЕКСАЛИК УЧУН ЭНГ ЯХШИ САРМОЯ

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, чет элда ишлаётган ҳамда ўзини ўзи иш билан банд қилган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш, бу орқали аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилиши таъминлаш каби изчил давлат сийсати амалга ошириб келинмоқда.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маъжмасынинг 2016 йил 22 февралдаги “Чет элда ишлаётган фуқароларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига сўғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек, уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинмаган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низоомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори қабул қилинган.


Мазкур қарорга мувофиқ чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, яққа тартибдаги тадбиркор ва деҳқон хўжалиги аъзолари ҳамда шахсий ёрдамчи хўжалиқларда қорамол боқиш ва етиштирилган чорвачилик маҳсулотларини сотиш билан банд бўлган, шунингдек, ёрдамчи хўжалиқларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг бошқа

боддан кам бўлмаган парранда парваришланган жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига йилгига базавий ҳисобга миқдорининг бир баробари миқдорда сўғурта бадалини тўлаганда меҳнат стажига киритилиши белгиланган. Мухтарам Юртбошимизнинг 2020 йил 8 июнь кунги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солинишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамюртларимиз учун қувонарли янгилик бўлди. Мазкур қарорга асосан жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилиши мумкин бўлган хизмат турлари рўйхати кенгайтирилди ҳамда бундай фаолият билан шуғулланганидан фуқароларнинг рўйхатга олиш хизмати йўлга қўйилди. Бугунги кунда Фарғона вилоятда мазкур қарорларга мувофиқ 2020 йилнинг январь-август ойлари давомида 1 180 нафар фуқаролар томонидан 382,5 млн. сўм Пенсия жамғармасига ихтиёрий ижтимоий бадали тўловлари амалга оширилди. Мазкур қарорларнинг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, ўзини ўзи банд қилган ва чет элда ишлаётган ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларни кексаликда моддий таъминланишининг самарали механизмини яратишда муҳим аҳамиятга эга ҳужжат бўлди.

ЭЪЛОНЛАР
Фарғона шаҳар Сайилгоҳ кўчаси, 38-ўйда жойлашган “SELENA TRAVEL” масъулияти чекланган жамияти номига берилган думалоқ муҳр, тўртбурчак тамга ҳамда низоми йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
Фарғона вилояти, Тошлоқ тумани, Алишер Навоий кўчасида жойлашган “Тошлоқ обод дийёр” хусусий корхонаси номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
Фарғона шаҳар 14-ўрта таълим мактабининг 2001 йилда тамомлаган Қадиров Баҳоидир Бахтиёрович номига берилган O’R-Z 0931858 рақамли таънаҳ маълумот тўғрисидаги гувохнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
Фарғона машинасозлик касб-хунар коллежининг 2011 йилда тамомлаган Ботиров Абдулазиз Нумон ўғли номига берилган K 2140825 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
Фарғона давлат университети қошидаги 3-сонли академик лицейи (ҳозирги Фарғона давлат университети академик лицейи)нинг 2017 йилда тамомлаган Махмудов Жаҳоҳир Илҳомжон ўғли номига берилган L 310123 рақамли диплом ҳамда иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
Оптикари саноат касб-хунар коллежининг 2019 йилда тамомлаган Холматов Хилола Уткирбек қизи номига берилган K 5691759 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
Тошлоқ тумани, Бобур кўчаси, 303-ўйда жойлашган “MEGA BEST ALQQA” масъулияти чекланган жамияти номига берилган думалоқ муҳр ҳамда тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилояти бўлими Фарғона вилоят телерадиокорпорацияси бош муҳаррири Дилоромжон Раҳимовга отаси **Шокиржон МАЪМУРОВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур таззия ишҳор қилади.

— Давлатимиз раҳбари ҳақ гапни айтдилар, ОАВ билан мулоқот қилмаган раҳбарнинг келажяги бўлмайди, — дейди Фарғона давлат университетининг ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Фозил Отақулов. — Олийгоҳимиз

Дилнавоз Қўлдошева.



Китоб жавонингизга

Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг ҳар бир янги асарини китобхонлар доимо катта қизиқиш билан кўтиб олган.

«Фарғоналиклар»

Вилоятдаги юксалиш жараёнлари, замонамиз қахрамонларига айланаётган фарғоналиклар ҳақидаги китоб

Ўта дадиллик, айни чоғда беҳад ҳолислик билан баён этилгани адабиёт ихлосмандлари қалбини Анвар Обиджон ижодида эҳтиром ва муҳаббат билан боғлаган, десак муболага бўлмас.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йили ижодкор зиёлилар билан бўлган анжуманда адабларимизни жойларда бўлаётган юксалишлар, замонамиз қахрамонларига айланаётган фидойи инсонлар ҳаёти ҳақида асарлар яратишга ундаган эди.

кўтаринкиликларни ўзида жам этган «Фарғоналиклар» китоби Юртбошимизнинг илҳомбахш даъватидан руҳланиб яратилган. Қолаверса, адабнинг ўзи туғилиб ўсган масканга чексиз меҳрининг ифодаси ҳамдир.

«Фарғоналиклар»ни шавқ билан ўқиб чиққач, унда эришяётган ютуқлари билан юрт номини улуглаётган фарғоналикларнинг жонли қиёфасини кўргандай бўласиз.

Устоз Эркин Воҳидов билан ғойибона суҳбат шаклида яратилган китоб гарчи 20 та мустақил бадиъа-эсседан таркиб топган бўлса-да, моҳиятан, азим Фарғона, бунёдкор ва ҳаётсевар, меҳнаткаш ва ташаббускор фарғоналикларнинг сурату сиратини ўзида мужассам этган яхлит асар сифатида таассурот қолдиради.

Езувчи таърифи билан айтганда, «Кўхна Марғилондаги фусункор боғнинг кираверишидаги қуйма курсига ястаниб» худди тирикдай, меҳр-ла термулиб турган устоз Эркин Воҳидовга юзланган қўйи ёзишни ота макондан — Олтиариқ заминидан бошлаган адиб қадами етган ҳар бир ҳудуднинг самарали одимлари, одамлари ҳақида тўқинланган ёзди. Адиб Фарғона бўйлаб сафар қилар экан, нефтни қайта ишлаш заводи, «Фарғонаазот», Қувасой цемент заводи, «Кварц», Қўқон механика заводидан тортиб, Марғилон атласчилари, тўқимачилик, пойабзалчилик, пахта-ю пиллани қайта ишлаш корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолияти

билан танишади. Минг-минглаб янги иш ўринлари яратилгани, вилоятнинг экспорт салоҳияти юксалаётганини фахр билан тилга олади.

Олтиариқлик Қахрамон фермер Лолаҳон Муротова, табдиркор Адхамжон Абдурахмонов, Хусанбой узумчи сингари заҳматкаш одамлар, Қуванинг «Анорзорлар малikasi», Фарғона спортининг Бектемир Мелиқўзиев, Достонбек Турсунов сингари ёрқин вакиллари, Дангара-ю Фарғона, Бешариғу Қўштепаннинг паррандачилик, чорвачилик, асаларчилик, шунингдек, ишлаб чиқаришда илгор табдиркорлари, балиқ етиштиришнинг ҳадисини олган ёзёвонликларнинг ғайрати, Марғилоннинг шоҳи ипакка ўранган бугунги саодати акс этган бадиий лавҳалар Фарғонанинг бугунги иқболи ҳақида сўз очади. Шoirнинг Яратмоқ, курашда малҳамдир сабр, Фароғат сари йўл азал сержабр, Бу юртга ишқини, ҳар неки давр Қалбидан юлмади фарғоналиклар,

— деган сатрлари шу юрт фарзандининг ўзи туғилиб ўсган жойи, унинг қадр банд одамларига муҳаббати ила қалбинингизга йўл олади. Китобнинг халқимизга чинакам замонамиз қахрамонларини танитиш, худудлардаги муваффақиятли қадамлар ортидаги машаққатли меҳнат, фидойи инсонлар иродаси, матонатини намён этишда ўрни бекиёс. Демак, «Фарғоналиклар» — ҳар бир фарғоналик ўқиши керак бўлган бебаҳо китоб сифатида китоб жавонингиз ва завқли мутулаангизга муносибдир.

Дилназов Қўлдошева.

Саховат — беназир қадрият

ТАБАССУМ ЯРАШАДИ СЕНГА, БОЛАЖОН!



Жилмайиб турган болажонга қараб беихтиёр табассум қилмаган инсон бўлмас керак. Уларнинг самимий ва покиза нигоҳлари, кулгулари ўз-ўзидан қалбларга кўчади ва бир зумда аксини беради.



Фарғона вилоятда истиқомат қилиб келаётган Мухаммет Мўминов,

Арлен Хайрулдинов, Мухаммадзиз Эсожонов, Асилбек Аҳмаджонов, Азизбек Абдухамидов каби 9 нафар болажонларнинг яқинлари, меҳрибонлари даврасида хатна тўйлари ўтказилди. Бу саховат табдирига Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси Фарғона вилоят худудий бўлими, Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳамда бошқа ҳамкор ташкилотлар бош қўшилди.

ликлар билан тўлдирилди. Турли эсдалик совғалари, ўйинчоқлар ҳамда пул маблағлари берилди. Мультифильм қахрамонлари либосида кўғирчоқ театрининг актёрлари беғубор қалбларига янада қувонч улашдилар.

— Набирам Жавоҳир Зиёвутдинов 8 ёшда, — дейди бувиси Шарофат Мамайтиева. — Унга эзгу ният билан хатна тўйи қилмоқчи эдик. Шўқурки, бизларнинг бу ниятимиз эзгу қалб инсонлар кўмағида амалга ошди. Уларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

ажойиб табдир ташкиллангани, — дейди Санжарбек Хайдаровнинг онаси Дилдора Жўраева. — Уларнинг қувончини кўриб, биз ҳам шодландик. Уғлим гарчи имконияти чекланган бўлса ҳам Тошлоқ туманининг 30-ўрта мактабиде таълим олади. У билан фахрланаман. Тенгдошлари қатори аъло баҳоларга ўқишга ҳаракат қилади. Келажакда математика фани ўқитувчиси бўлишни ният қилган.

Ҳеч қим меҳр-этибордан четда эмас. Пандемия тўғрисида камтарона ўтказилган тўй болажонлар қалбига чексиз қувонч бахш этди. Нурунийлар томонидан эртаимиз эгаларига эзгу ниятлар билдирилиб, дуолар қилинди.

Камола ПОЛВОНОВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП Фарғона вилоят Кенгаши матбуот котиби.

Хабарингиз борми?

Янги тартиб: НИҚОБ ТАҚМАГАНЛАР ВИДЕОФОТОФИКСАЦИЯ ВОСИТАЛАРИ ОРҚАЛИ АНИҚЛАНАДИ



Мамлакатимизда карантин қоидалари юмшатилган бўлса-да, ҳали батамом бекор қилинган йўқ. Бугунги пандемик вазият ҳар биримизга белгиланган тартиб-қоидаларга мунтазам амал қилишни талаб этмоқда.

Фарғона вилоятда жорий йилнинг ўтган даврида карантин қоидаларига амал қилмаган 85 миң 990 нафар фуқароларга нисбатан маъмурий қоралар кўрилди. Шундан 85 миң 634 нафари тиббий ниқоб тақиб юрмаган. Наҳотки, улар ўзлари оиласи ва яқинлари саломатлигини ўйламайдими? Бу эса карантин тартибини таъминлаш учун Фарғона вилоят

ички ишлар бошқармаси томонидан янгича ёндашув ва чора-тадбирларни белгиланиши тақозо қилди.

— Айни мақсадда замонавий инновациялардан фойдаланиб, Республикада биринчи марта жамоат жойларида карантин қоидаларига амал қилмай ниқобсиз ҳаракатланган фуқароларни видеофотофиксация воситалари орқали аниқлаш амалиёти йўлга қўйилмоқда, — дейди вилоят ИИБ ахборот хизмати бошлиғи Исмоилжон Шарипов.

— Фотосуратга олинган ниқобсиз фуқароларнинг шахси махсус база орқали аниқланиб, ички ишлар органлари ва санитария-эпидемиология осойишталик маркази ходимлари томонидан маъмурий баённома расмийлаштирилади.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ.

Хунардан ризқинг унар

Шерзодбек темирчини Нурсухда танимайдиган одам йўқ. Оддий темирдан гўзаллик яратиш ҳадисини олган уста кўпнинг қорига елка тутганлардан.



Барака бозорда сотилмайди

Темир билан тиллашганимга йил бўлди, — дейди у биз билан суҳбатда. — Темирга ишқибозлик қонда бор. Отам бизга касбнинг устаси бўл деб ўргатганлар. Қичкина буюмни ҳам меҳр билан ясайман.

ясаганман. Шундан кейин маҳалла-қўйдан буюртмалар туша бошлади. Темирчиликнинг ноҳи қаттиқ бўлиши рости. Қўримсиз темирдан нақшмкор буюмлар ҳосил бўлганини кўрсам, чарчогимдан асар қолмайди.

Якка тартибдаги табдиркор сифатида рўйхатдан ўтган Шерзодбек бугун «Аҳмадалиевлар орузси 777» оилавий корхонаси раҳбари. Хунарнинг этагиндан тутган уста маҳалла аҳлининг ҳам оғирини енгил қилмоқда. Накшмкор дарвозалару, гулдор панжаралардан тортиб, хўжалик учун зарур бўлган кўплаб темир буюмларини ясаш билан шуғулланаётган

устага 5 нафар шогирди кўмакчи. У Хитойдан янги дастоҳқор олиб келиб, яна 10 та янги иш ўрни яратиш ҳаракатида. Устанинг ўғли Мухаммадали отасининг шогирди, ҳам дастўрига айланган. — Ёлғиз ўғлимнинг ота касбига қизиқишиндан қувондим. Шўқур, бу йил у 200 балл тўплаб, Тошкент давлат сто-

матология институти талабаси бўлди.

Барака — бозорда сотилмайди, дейди улугларимиз. Шерзодбек Аҳмадалиевнинг халқнинг дуоси билан хунардан, ҳалол меҳнатдан барака топгани мана шу, албатта.

Дилшода ЭРГАШЕВА.

Ботулизмдан эҳтиёт бўлинг!

Ўзингизни ташвишга қўймаңг

Фавқулдада вазиятлар вазирлигининг қайд этишича, сўнги вақтларда аҳоли ўртасида кимёвий моддалар, сифати кафолатланмаган консервалар, маринадлар, озиқ-овқат ва спиртли ичимликлардан турли кўринишдаги захарлини ҳолатлари қайд этилмоқда. Бунга руҳсат этилмаган кимёвий моддалардан уй шароитида фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулотларини нотўғри сақлаш ва овқатланиш тартибига риоя қилмаслик асосий сабаб бўлмоқда.

Октябрь ойи бошида Самарқанд вилоятда 15 кишининг эйтиборсизлик оқибатида овқатдан захарлангани барчамизни сергак тортирди. Статистик маълумотларга қараганда, ҳар йили дунё бўйича ботулизм беморларнинг 5-10 фоизини, яъни 200 га яқин инсонни ҳаётдан олиб кетади. АҚШда ўртача 145 киши йил давомида ушбу хасталик билан оғрийди. Утган йили Украинада ботулизмга чалинган 70 нафар бемордан 8 нафари вафот этган. Ўртимизда консерва маҳсулотларини истеъмол қилиш мавсуми бошланди. Бу вақтда ботулизм касаллигига чалиниш эҳтимоли кескин ортади. Ботулизм касаллиги одамнинг нерв тизими-га, жумладан, узунчоқ ва орқа миёга жиддий шикаст етказиши. Ботулизм микроби консервалардан озиқ-овқат маҳсулотларида, кислотасиз муҳитда тез кўпаяди. Унинг яширин даври 2 соатдан 3-4 кунгача чўзилиши мумкин. Беморда ҳолсизланиш, кўнгил айниш, қайт қилиш, кўз хиралашishi, жисмларнинг иккита бўлиб кўриниши, ютиш ва гапирish қобилиятининг сустайиши, қорин соҳасида оғрик, бўйин ва оёқ мушакларининг заифлашиши каби аломатлар кузатилади. Беморни уй шароитида ўз билганича даволаш жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Вилоятимизда 2019 йилдан шу кунга қадар ушбу касалликка чалиниш ҳолатлари қайд этилмади. Консерва маҳсулотларини харид қилишда сифатига жиддий эътибор бериш, қайси корхона томонидан ишлаб чиқарилганини билан танишиш лозим. Консерва маҳсулотларини очишдан олдин уни чайкамасдан кўздан кеңириш, яъни, банкадаги суюқликнинг тиниқлиги ва маҳсулот эзилмаганлигини текшириш зарур. Агар уй шароитида консерва идишининг қопқоғи шилшган, очилмиш кетган, тиниқлиги бузилган ва бошқа кўрсаткичлардан бирортаси кузатирилган ҳолатда истеъмол қилинса, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Гап саломатлигимиз ҳақида борар экан, турли хил ноҳуш ҳолатлар ва кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида, номалъум шароитда тайёрланган, сифати ва хавфсизлиги кафолатланмаган маҳсулотларни харид қилиш, айниқса, тез бузилувчи озиқ-овқат маҳсулотларни сақлаш ҳолатига эътиборли бўлайлик.

Мавлуда УСМОНОВА, Фарғона шаҳар 1-сонли оилавий поликлиникаси умумий амалиёт шифокори.

Table with 5 columns: MUASSIS: FARGONA VILOYATI HOKIMLIGI, Boш muхarrir: Muхammadжон OBIДOВ, Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Газета «Полиграф-Пресс» МУЖ босмаҳонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй. Босишга топшириш вақти: 19.00. Топширилди: 18.50. Буюртма: 674 Индекс: 7521 Адади: 3 788. Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Бош мухarrир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70. Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24. Саҳифаловчи Алишер Розиков. ISBN 2010-8370 91770101857004